



1949 йил 15 январда Роберт Нордлинг Университет Эндрюс (Беррин-Спрингс, Мичиган штати) ходими Фрэнк Маршга темир кружканинг суратини жўнатди ва куйидагиларни ёзди: «Яқинда Жанубий Миссуридаги дўстларимдан бирининг шахсий музейига ташриф буюрдим. У ерда сақланаётган ноёб ашёлар орасида мана шу темир кружка бор эди, унинг суратини сизга юборяпман».

Музейда кўргазмага қўйилган кружка ёнида Фрэнк Кенвуд томонидан 1948 йил 27 ноябрда Арканзас штати, Салфер-Спрингс шаҳрида ёзилган касамёдли гувоҳлик матни ҳам бор эди. Унда шундай дейилади: «1912 йилда мен Оклахома штати, Томас шаҳридаги муниципал электр станциясида ишлаётган эдим. Бир куни катта кўмир бўлаги кўлимга тушди. У жуда йирик эди, шунинг учун уни болга билан синдиришга тўғри келди. Бўлак ёрилиб, ичидаги мана шу темир кружка чиқиб кетди, кружка кўмир ичида ўз изини қолдирган эди. Уни мен синдираётганимни ва кружканинг ичидан тушганини компаниянинг ходими Жим Столл ҳам кўрди. Кейинроқ мен бу кўмир қаердан келганини аниқладим – уни Оклахома штати, Уилбертон конларидан қазиб олишган».

Оклахома штати Геология разведка хизмати ходими Роберт Фэйнинг сўзларига кўра, **Уи**

лбертон конларидан олинадиган кўмирнинг ёши 312 миллион йил

.

1966 йилда Марш темир кружканинг сурати ва у ҳақидаги ҳужжатларни Мичиган штати, Энн-Арбор шаҳридаги Конкордия коллежи биология профессори Уилберт Рашга юборди. У хатда шундай ёзади: «Мен сизга 17 йил аввал Роберт Нордлингдан олган хат ва суратни юборяпман. Бир-икки йил ўтгач, мен бу "кружка" билан кизикиб қолдим (айтиб ўтишим керакки, унинг ўлчамларини уни жойлаштирган стул билан солиштириб билиш мумкин). Бирок Нордлинг айтиб ўтган дўст аллақачон вафот этган эди, унинг шахсий музейи эса барбод бўлган. Темир кружканинг қаерда экани ҳақида Нордлинг ҳеч қандай маълумотга эга эмас эди ва уни ҳозир энг яхши изқувар ҳам топа олмаслиги мумкин... Лекин агар бу гувоҳлик ҳужжатидаги барча маълумотлар ҳақиқат бўлса, бу топилманинг аҳамиятини баҳолаш жуда қийин».

Афсус билан қайд этиш керакки, бу топилмани қўлидан ўтказган кишилар унинг аҳамиятини англаб етмаган бўлишлари мумкин.